

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

THE WEDDING MOTIF IN FOLK STORIES AND WRITTEN STORIES

Turaeva Iroda Sheramatovna

Karshi State University

Independent Researcher

Abstract. This article discusses the wedding motif in folk epics and written epics. When epics are created by the people, the creative people express their goals, dreams, and feelings through them.

Key words: folk epics, written epics, wedding theme, oral creativity, written literature, folk oral creativity, prose pieces, epic.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ВА ЁЗМА ДОСТОНЛАРДА ТҮЙ МОТИВИ

Тўраева Ирода Шераматовна

Қарши давлат университети

мустакил тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада халқ достонлари ва ёзма достонларда түй мотиви ҳақида сўз юритилган. Достонлар халқ томонидан яратилгач, ижодкор халқ улар орқали ўз мақсадлари, орзу-истаклари, ҳис-туйғуларини ифодалайди.

Калит сўзлар: халқ достонлари, ёзма достонлар, түй мотиви, оғзаки ижод, ёзма адабиёт, халқ оғзаки ижоди, насрый парчалар, достон.

Абстракт. В данной статье рассматривается свадебный мотив в народных былинах и письменных былинах. Когда эпосы создаются народом, творческие люди выражают через них свои цели, мечты и чувства.

Ключевые слова: былины, письменные былины, свадебная тема, устное творчество, письменная литература, народное устное творчество, прозаические произведения, эпос.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигига эпик сюжетлар генезиси ва бадиий эволюциясини ёритиш, халқ достонлари тараққиётининг архаик, классик ва постклассик даврини тадқиқ этишга, айниқса, миллий эпосларнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихини реконструкция қилиш методологиясини

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

такомиллашибиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада эпос тараққиётининг турли даврларга хос типологик хусусиятларини ўзида ифода этган янги манбалари аниқланди. Эпос тараққиётининг архаик қатламига хос фольклор ёдгорликларини жаҳон халқлари бадиий тафаккури контекстида қиёсий тадқиқ қилиш асосида қаҳрамонлик ва романик достонларнинг шаклланиши қадимий баҳодирлик қўшиқларига бориб тақалиши исботланди. Дунё фольклоршунослигининг бугунги тараққиётини белгилайдиган устувор илмий концепциялар асосида жаҳон адабиётидаги қадимий сюжетларнинг “фольклорлашуви” жараёнига хос қонуниятлар очилди. Жумладан, қадимги инглиз ва ирланд эпоси, ҳинд мифологияси, герман қаҳрамонлик эпоси, мўғул архаик эпик анъанасига оид тадқиқотлар юзага келди. Бу эса халқ эпосининг турли даврлардаги тараққиёти ва ривожланиш тенденцияларини муайян эпик сюжетларнинг оғзаки варианatlари билан ёзма манбалар ҳолида сақланиб қолган бадиий талқинлари мисолида қиёсийтипологик аспектда ўрганишдан иборат янги йўналишга асос солди.

Инсон ҳаётидаги уч муҳим жараён халқ оғзаки ижодида бир оламдан иккинчи бир оламга ўтиш сифатида баҳоланади: туғилиш, никоҳ ва ўлим. Фольклордаги анъанавий тушунчага мувофиқ чақалоқ туғилар экан, у бир оламдан иккинчисига ўтади. Никоҳ орқали аёл учун қизлик олами ўлиб, аёллик дунёси, йигит учун эрлик дунёси бошланади. Инсоннинг жисман ўлиши ҳам аслида унинг буткул йўқолиб кетишини англатмайди, балки у бошқа бир дунёга ўтади.

Туғилиш – ўлим – туғилиш – фольклордаги воқелик худди шу сиклда кечади ва шу қатъий жараёнга амал қиласи. Жумладан маросимлар ана шу жараённи эътироф этиш мақсадида туғилган. Чақалоқ туғилар экан, бошқа бир оламдан бу оламга ўтади. Бешик тўйи маросимлари шу жараённи нишонлашдан вужудга келган, Турмушга чиқиш, уйланиш маросимлари ҳам халқ нишонлайдиган эл ҳаётида, жумладан, ҳар бир инсон ҳаётидаги муҳим маросимлардан.

Келинчак остонаси тиллодан бўлган ёр уйига кириб желар экан, бу остона у учун янги уй эмас, у қадам қўяётган янги оламнинг остонаси. Қизнинг кўз ёш тўкиши эса ота уй билан эмас, у ташлаб кетаётган дунё билан хайрлашиб тўкилган кўз ёш. Турмушга чиқар экан, қиз учун қизлик дунёси ўлиб, аёллик дунёси бошланди, йигит учун эса йигитлик дунёси тугаб, у эрликка қадам қўяди. Яъни қиз ҳам, йигит ҳам оила қуриш асносида қайтадан ўлиб, тирилади.

Тўй маросимларида куйланадиган ёр-ёр, қўшиқ, келинсаломларда айни шу дунёқараш излари турганини мутахассислар эътироф этади. Тўйда ўтадиган урф-

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

одат, маросимлар моҳияти ҳам халқнинг никоҳни бир оламдан бошқа оламга ўтиш, ўлиб тирилиш сифатида билганини кўрсатади. Жисман ўлим ўз-ўзидан тушинарлики, диний дунёқарашда ҳам, мифологик дунёқарашда ҳам бир оламдан бошқасига ўтиш деб қаралган. Яъни бирор мавжудот жисман ўлар экан, у тамоман йўқ бўлиб кетмайди, балки бошқа бир оламга ўтадива мифологик дунёқарашга кўра у ёмғир, ўт-ўланлар, шунга ўхшаш табиатга оид ҳодисаларда қайта тирилади. Маълумки, эртакнинг бошида йигит камбағаллиги учун унга бирор қиз беришга кўнмайди, охири йигит қишлоқдан бош олиб кетиб, ғайриооддий хислатга эга кампирнинг уйида маълум вақт хизматда бўлади. Мазкур воқеалар орқали йигит синовни (инитсиатсия) амалга оширади. Парига эришиш ҳам синовдан ўтган йигитга тақдир тухфаси (кампирнинг тақдир тимсоли бўлиши мумкинлигини таъкидлагандик) эди. Соқов қиз қиласиган макр-ҳийлалар туфайли энди пари қиз ҳам синовдан ўтади ва йигитга чинакам муносиб ёр қиёфасига эга бўлади. Демак, кўринадики ҳар қандай синовдан ўтиш – эврилиб, янги одамга айланишини ҳам ифода этади.

Достон – халқ оғзаки ижодининг энг йирик жанри бўлиб, у қаҳрамонлик, ишқий-саргузашт, фантастик мазмунга эга бўлган воқеаларни баён қилувчи асар. Қаҳрамонларнинг саргузаштлари, ўзаро муносабатлари ва кечинмаларини кенг кўламда тасвирловчи йирик ҳажмли лиро-епик асар достон дейилади. Достон давр, тузумдаги халқ руҳиятини, хусусиятларини акс эттиради. Замонлар ўтиши билан улар янги-янги мавзулар ва ғоявий мазмун билан бойиб боради. Достонлар халқ томонидан яратилгач, ижодкор халқ улар орқали ўз мақсадлари, орзуистаклари, ҳис-туйғуларини ифодалайди. Одатда, достонларнинг биринчи ижодкори унутилиб, улар наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтиши натижасида халқ мулкига айланади. Достонлар мавзу жиҳатидан ранг-баранг, мазмунан хилма-хил бўлганлиги боис уларнинг қуидаги турлари мавжуд: қаҳрамонлик достонлари, романтик – ишқий-саргузашт достонлар, тарихий достонлар. Достонлардаги асосий қаҳрамонлар қиёфасида инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, дўстлик, вафодорлик, садоқат каби олижаноб фазилатлар умумлаштирилади.

Дунёдаги айрим халқларда ўзининг тарихига оид йирик ҳажмдаги катта муҳим воқеа баён этиладиган жанрлар бор. Биз — ўзбекларда бу жанр «достон» деб аталади. «Достон» сўзи қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиш, мақташ маъноларини англатади. Бадиий адабиётимизда асосан икки усулда яратилган достонлар бор. Биринчиси, асрлар давомида халқ оғзаки ижодида бахшилар

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

томонидан оғзаки тарзда куйлаб келинган достонлар. Иккинчиси, ёзма шаклда шоирлар томонидан ижод қилинган достонлар. «Алпомиши», Гўрўғли туркумидаги «Гўрўғлининг туғилиши», «Маликаи Айёр», «Равшан»; «Кунтуғмиши», «Рустамхон» кабилар оғзаки достонлар намуналари дир. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг», Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврўз», Навоийнинг «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби асарлари эса ёзма адабиётдаги достонлар бўлиб, уларни оғзакидан ажратиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, достонлар оғзаки ижод меросидаги мураккаб жанр ҳисобланади. Уларда халқнинг халқ сифатида шаклланиш жараёнидан тортиб, тарихий ҳаёти, расм-руслумлари, одатлари, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашлари кенг кўламда акс этган. Бахшилар ўз ижролари билан бевосита халқ оммасининг эстетик савиясини оширишга ҳисса қўшдилар. Халқ педагогикасининг талабларини кенг оммага маълум қилиб бордилар. Ўзбек достонлари ижро анъана сига кўра хилма-хиллиги, мавзулари ранг-баранглиги билан шуҳрат топди. Халқ эпик ижодининг шоҳ асарлари достонлар мисолида ўзбек миллатининг жаҳон халқлари маънавий ва маданий хазина сига қўшган муносаб ҳиссаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Мазкур меросни ўрганишда Ҳ.Зарифов, М.Алавия, М.Афзалов, Т.Ғозимбоев, О.Собиров, З.Хусаинова, М.Саидов, Ж.Қобулниёзов, М.Муродов, Б.Саримсоқов, А.Қаҳҳоров каби марҳум олимлар ва Т.Мирзаев бошлигига бугунги кунда тинимсиз меҳнат олиб бораётган С.Рўзимбоев, О.Сафаров, А.Мусакулов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул, А.Эргашев каби тадқиқотчилар халқ олдидағи бурчларини адо этиш йўлида хизмат қилмоқдалар.

Фойданилган адабиётлар

1. Мирзаева М. Ўзбек халқ достончилигига туркумлилик. – Тошкент, 1984; Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. – Тошкент, 1985; Турдимов Ш. «Гўрўғли» номи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – №3. – Б.62–65;
2. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947;
3. Саидов М. Ўзбек достончилигига бадиий маҳорат. – Тошкент, 1969;
4. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент, 1979.